2018 йил 19 апрель, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (13.671)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва хонимни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари мустаҳкамланиб, стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Суҳбатда 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга олий даражадаги тарихий ташриф ҳамда унинг якунида эришилган муҳим келишувлар Ўзбекистон – Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичлари изчил ўсиб бормоқда. Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. "Поско-ДЭУ", "ДжиЭС", "Эвергрин", "Янгуан" ва бошқа кўплаб компаниялар билан биргаликда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Тошкентда янги форматда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича биринчи қўшма ҳукуматлараро учрашув муваффақиятли ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, шаҳар бошқаруви, энергетика, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, илмий ютуқлари ва технологияларидан фойдаланишга қаратилган қўшма дастурлар фаол амалга оширилмоқда.

Корея Республикасининг етакчи мутахассислари мамлакатимиз вазирликлари, идора ва ҳокимликлари томонидан маслаҳатчи сифатида жалб этилмоқда. Гуманитар, таълим ва туризм соҳаларида алмашинувлар кенгаймоқда.

Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари ҳамда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин томонидан Корея яриморолида ва бутун минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Президентимиз режалаштирилаётган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этиши ва янги истиқболли келишувларга эришишни таъминлашига ишонч билдирди.

Ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон Жанубий Корея Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолашини, ушбу анжуман, шубҳасиз, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлади.

Вазир Ўзбекистон Президентига Жанубий Корея фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этиш тўғрисида қабул қилинган қарор учун самимий миннатдорлик билдирди, бу сайёҳлар оқимини салмоқли даражада ошириш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Учрашув сўнгида Кан Гён Хва Жанубий Корея икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари ва кенг кўламли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА**

---

***Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Халқларимизнинг менталитети, маданияти бир-бирига ўхшаш. Юртимизда яшаётган корейс диаспораси мамлакатимиздаги кўплаб бошқа миллат вакиллари қатори тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.***

## КАН ГЁН ХВА: "КОРЕЯЛИКЛАР ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОЙ МАДАНИЯТИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ"

*Мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва хоним ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:*

– Аввало, самимий қабул учун Президент Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон раҳбари билан суҳбатимиз ғоят мазмунли бўлди, конструктив руҳда ўтди.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Икки давлат раҳбарларининг ички ва ташқи сиёсат масалаларига ёндашув ва қарашлари ўхшаш, улар минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамфикрдир.

Мазкур ташриф давомида давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликнинг уч муҳим йўналиши – олий даражадаги мулоқотларни янада фаоллаштириш, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалий шерикликнинг соҳа ва йўналишларини диверсификация қилиш юзасидан келишиб олди. Шунга асосан, жорий йил февраль ойида Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди ва Тошкентда янги форматда илк бор ташкил қилинган савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича қўшма ҳукуматлараро учрашувда қатнашди. Бу каби анжуманлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Ўзбекистонга кейинги ўн бир йилда илк бор ташриф буюрмоқда.

Ўзбекистонга сафар асносида корейс миллати вакиллари билан ҳам учрашдик. Улар ўзбек халқи Кореяни, корейс маданиятини юксак қадрлашини таъкидлади. Биз эса Жанубий Кореяда ўзбек халқининг бой маданияти ва урф-одатлари юксак қадрланишини қайд этдик. Бундай омиллар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати аъло даражада эканидан далолат беради.

Музокаралар давомида мамлакатларимиз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, минтақаларимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларида ишончли ҳамкор эканига яна бир бор амин бўлдим.

**Умар АСРОРОВ**
**ёзиб олди**

---

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2017-2021



***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида бир гуруҳ нуронийлар, меҳнат фахрийларини Президентимиз томонидан таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

## НУРОНИЙЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Тантанали тадбирда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви раиси Ш.Жалилов ва бошқалар Президентимиз томонидан мамлакатимизда нуронийларга, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонининг таъсис этилиши бу борадаги ишлар салмоғини янада оширди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 июлдаги "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги Қарорига биноан "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тўғрисидаги Низом, кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари, кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белгининг тавсифи тасдиқланган. Мазкур нишон билан мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишламасдан, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналар тақдирланади.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг назорат режасига мувофиқ "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонини бериш тартиби тўғрисидаги низом ва номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонига номзодларни ўрганиш ва тақдим этиш етти босқичда аниқ умумий талаблар асосида амалга оширилди. Фуқаролар йиғини раиси ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи раҳбарлигида "Нуронийлар жамоатчилик кенгаши" томонидан кўкрак нишонига номзодлар рўйхати шакллантирилди. Кўкрак нишонига ҳар битта номзод бўйича фуқаролар йиғинидаги жамоатчиликнинг фикри батафсил ўрганиб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

---

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 18 апрель куни Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва билан учрашди.***

Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Сеул шаҳрида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарларининг саммити самарали бўлганини таъкидлади. Музокаралар доирасида давлат раҳбарлари қабул қилган Қўшма баёнот ҳамда имзоланган умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ келишувларни тўлиқ рўёбга чиқариш икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши қайд этилди.

Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Томонлар минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири ўз мамлакатининг Корея яриморолидаги вазиятни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида маълумот берди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томони жорий йилнинг апрель ойидаги кореялараро саммит ўтказилишини маъқуллади ва Корея яриморолида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатиш учун Корея Республикаси саъй-ҳаракатларини қатъиян қўллаб-қувватлашини тасдиқлади. Саммитнинг ижобий натижалари Корея яриморолининг жануби ва шимоли ҳамда бутун минтақанинг янада ривожланиши ва фаровонлиги учун қулай шарт-шароит яратишига ишонч билдирилди.

Шу куни Корея Республикаси ташқи ишлар вазири пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларидан бири – Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирди.

**ЎзА**

---

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Термизда "Central Asia 2018. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни" мавзусидаги XII халқаро конференция иш бошлади. Унда олимлар, вазирлик ва идоралар масъуллари, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари вакиллари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Эрон, Исроил, Покистон каби давлатлардан соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этмоқда.**

**● Андижонда "Ёш чегарачилар" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. 8 жамоа баҳслашган мусобақада Хўжаобод педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг "Ватанпарвар" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**● Гулистон шаҳрида хорижий тилларга ихтисослаштирилган "Севинч" нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. 100 ўринга мўлжалланган икки қаватли боғчада "Бетон саноат" ва "Шерзодбек қурилиш" масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан 3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Танлов асосида ишга қабул қилинган 16 нафар ходимнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, бу ерда инглиз, рус ва корейс тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади.**

**● Тошкент вилояти Қибрай туманида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича янги тайинланган мутахассислар учун ўқув-семинар ўтказилди.**

**● Наманган шаҳрида бир гуруҳ фаол ёш оилаларга янги барпо этилган "Ёшлар уйи"дан хонадонлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар ва туман кенгашларининг раисларига енгил автомашиналар калити топширилди. Вилоят марказининг Халқлар дўстлиги маҳалласида барпо этилган 32 хонадонли уй ҳам фан, таълим, спорт, санъат, тадбиркорлик соҳаларида катта муваффақиятлар қозониб, тенгдошларига намуна бўлаётган фаол ёш оилаларга бошланғич тўловсиз 20 йиллик муддатга имтиёзли кредит асосида берилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Жаҳон биржаларида бўлиб ўтган сўнгги савдолар чоғида нефть нархининг кейинги саккиз ой ичида энг юқори даражада ўсганлиги қайд этилди. Жумладан, WTI русумли нефть учун фьючерслар 0,32 долларга ёки 0,5 фоизга ошиб, бир баррели 67,39 долларни ташкил этди ва бу 2014 йилдан буён энг юқори кўрсаткичдир. Brent русумли нефтнинг эса 0,56 долларга ёхуд 0,6 фоизга кўтарилиб, 1 баррели 72,58 доллардан иборат бўлди. Яъни, бир ҳафтада бундай нефтнинг нархи 8,2 фоизга ўсди.**

**● Мексикада Попокатепетль машҳур вулқони яна фаоллашди. Бу ердан отилаётган тутун ва кул юз метрлик атроф-ҳудудни қопламоқда. Хавфли томони шундаки, вулқон атрофида 20 миллионга яқин киши истиқомат қилувчи йирик аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, ён-атрофдаги аҳолини кўчириш тараддуди кўрилмоқда. Ҳозирча вулқон отилишидан жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.**

**● Марокашлик археологлар узоқ ўтмишда яшаган баҳайбат учадиган қушлар — птерозаврларнинг суякларини топишди. Ушбу ноёб қушлар қанотларининг узунлиги 10-12 метрга етган бўлиб, уларни ўрганиш фанга муайян янгиликларни олиб кириши мумкин.**

# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

***Инновацияларни жорий этиш корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-техник ва инновацион салоҳиятни сақлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.***

Мамлакат рақобатдошлигини баҳолаш кўрсаткичларига кўра, табиий ва иқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жамғарилган бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган бошқарув сиёсатини амалга ошириш каби омиллар ривожланишнинг асосий стратегияси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасида муҳим ўзгаришларнинг юз беришига олиб келмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида инновацияларга истиқболли ривожланиш воситаси сифатида қизиқиш янада ошади. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши инновацион жараёнларни самарали бошқариш тизимларини яратиш заруриятини янада кучайтиради.

Инновацияларни кенг ёйиш — ахборот жараёни бўлиб, унинг шакли ва тезлиги коммуникация каналларининг қуввати, хўжалик субъектлари томонидан ахборотни қабул қилиш хусусиятлари, ушбу ахборотдан амалий фойдаланишга бўлган қобилият ва ҳоказоларга боғлиқ. Чунки реал иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг инновацияларни излашга бўлган муносабати ва уларни ўзлаштириш қобилияти турлича бўлади.

Ҳозирги кунда халқаро илмий-техник ва савдо муносабатларининг ривожланиши кўпгина маҳсулотлар бозорининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимоти ҳамда турли хил альянслар ва қўшма корхоналар яратилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, инсон ресурсларини бошқариш инновацион сиёсатни амалга оширишнинг сўнгги бўғини бўлиб, самарадорликни ва иш сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга ходимларни кенг жалб этишни тақозо этади.

Қайси бир давлат энг самарали инновациявий механизмга ва уларни амалга оширишнинг ривожланган инфратузилмасига эга бўлса, айнан шу давлат жаҳон бозоридаги рақобат курашида муваффақиятга эришади. Ҳозирги кундаги илмий-техник тараққиётнинг бир қисми сифатида эътироф этиладиган илмий-техник инновациялар — иқтисодиётни жонлантирувчи ва унинг рақобатбардошлигини сақлаб қолувчи куч ҳисобланади.

Инновациявий фаолиятни ривожлантириш учун тармоқ инфратузилмаларининг катта имкониятлари мавжуд эканлигини англаган ҳолда ривожланган давлатлар ҳукуматлари инновацияларни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсати даражасида амалга оширмоқдалар. Хитой, Германия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Россия каби иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар инсон манфаатларига хизмат қиладиган инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқдалар.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан ҳар бир соҳанинг тараққий этишига қаратилган шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида қатор имкониятлар, ютуқлар қўлга киритиб келинмоқда. Хусусан, инновацион лойиҳаларнинг жорий этилиши, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши соҳа ривожи учун хизмат қилмоқда. 2017 йил 29 ноябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари, қўллаб-қувватлаш шакллари, ғоя, ишланма, технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни белгиловчи "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва "Фан тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам таъкидланган. Айни мана шу қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқарилишига бўлган эътибор ҳамда ушбу вазирликнинг ташкил этилиши албатта, соҳани янада ривожлантириш, инновацион ғояларни шакллантириш, ишланма ва технологияларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга кенг жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишни ҳаракатлантирувчи кучга айланганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ривожланишнинг инновацион моделлари ва ақлли технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Шундан келиб чиқиб жорий йилнинг 12 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида "Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси"нинг номи "Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси"га ўзгартирилгани бежиз эмас, албатта. Барчамизга маълумки, жорий йил мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш" йили деб эълон қилинди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа барча тармоқларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш, жаҳон илм-фанининг ютуқларини, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш соҳасида парламент фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг мазкур соҳадаги қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини олиб боришда қўмитамизга парламентимиз томонидан улкан масъулият ва ишонч билдирилди.

Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини яратиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради. Инновацион лойиҳаларнинг амалга татбиқ этилиши иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишини ҳамда аҳоли фаровонлигининг ўсишини кафолатлайди.

**Улуғбек САМАТОВ,**
**Жамшид ПИРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари**

# КОММУНАЛ СОҲА: ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини тубдан янгилаш, такомиллаштириш, иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини тиклаш ҳамда аҳоли розилигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида" давра суҳбати ташкил этилди.***

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан кўп қаватли уйлар фаолиятини яхшилаш, сақлаш, ободонлаштириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти. Шу маънода илгариги коммунал хизмат агентлиги негизида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди.

Мулоқотда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари Н.Назиров янги вазирлик олдига қўйилган вазифалар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Айтиш жоизки, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда 33 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, мазкур уйларни бошқариш бўйича 4 минг 488 та ширкат фаолият олиб бормоқда.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида ширкатлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш борасида вазифалар белгилаб берган эди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ жорий йилнинг 1 декабрига қадар "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Айни пайтда вазирлик мутахассислари томонидан бу лойиҳа устида иш олиб борилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелда "2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилашнинг беш йиллик дастури тасдиқланди.

Вазирлик томонидан ўтган 2017 йилда 8 минг 343 та уйда жами 3 млн. 611 минг кв.метр том, 18 минг 696 та кириш йўлаклари, 8 минг 454 та уйнинг ертўла қисмларида муҳандислик тармоқлари таъмирланди. 101 минг кв.метр ҳажмда йўлаклардаги фрамуга ойналари алмаштирилди. 1216 та янги болалар майдончалари қурилди ва 2080 таси таъмирланди. 14 минг 297 та ноқонуний қурилмалар бузилди, уйларнинг олдида 992 минг кв.метр йўлакларни бетон қопламаси билан қоплаш ишлари бажарилди.

Айтиб ўтиш керакки, дастур юзасидан жорий йилда 2017 йилга нисбатан икки баробар кўпроқ ишлар амалга оширилди, бунда ҳудудларда жойлашган кўп қаватли уй-жойларни намунавий шаклга келтириш концепцияси асосида амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча иш турлари ҳажмига алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи навбатда ажратилаётган имтиёзли кредитлар уйларни том ва фасад қисмларини, уй олд қисмидаги йўлакларни таъмирлашга, ертўла қисмини тартибга келтиришга ва болалар майдончалари қурилишига йўналтирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар ҳажмини амалга ошириш учун ҳар бир уй-жой кесимида ширкатлар иш режасини ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини ўз вақтида ажратилиши юзасидан тармоқ жадваллари ишлаб чиқилди.

Аҳолини кўп хонадонли уйларни бошқариш, уй-жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ахборот билан таъминлаш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва ХУЖМШлардан мажбурий бадаллар йиғиш хизматлари кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" давлат унитар корхонаси ташкил қилиниб, хизмат кўрсатишни бошлади.

Хусусий ширкатларга шартнома асосида кўп хонадонли уй-жой фондини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштиришга хизмат кўрсатадиган "Таъмирлаш тиклаш хизмати" ДУК ташкил қилиниб ўз фаолиятини юритмоқда.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раислари "Коммуналўқув" ўқув-услубий маркази ДУКда туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи тавсиясига асосан малака ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлмоқда. Бугунги кунгача шундай номзодларнинг 800 га яқини ўқитилди.

Анжуманда Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" ғояси асосида вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан янгилаш, такомиллаштириш, иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Зокиржон ШАРИФЖОНОВ**

# ҚУРИЛИШ САНОАТИ УЧУН ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

***Чилонзор туманида Англия технологияси асосида мебель ва қурилиш саноати учун янги ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Lebengruppe" компаниясининг маҳсулотлари кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди.***

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелдаги "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра бугунги кунда шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда "Lebengruppe" компанияси ҳам бугун қурилиш соҳасига ўз инновацион лойиҳалари билан ҳисса қўшиб келмоқда. Компания мебель ва қурилиш учун замонавий, Европа стандартларига мос, сувга чидамли материаллар ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирда компанияда турли ассортиментдаги эшиклар, мебель ишлаб чиқарувчилар учун янги турдаги панеллар ҳамда ошхона мебелларининг устига мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, яна бир қатор янги маҳсулотларни тақдим этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Энг эътиборли жиҳати, асосий хом ашё сифатида ғўзапоядан фойдаланилмоқда.

Кўргазма-тақдимотда тадбиркорлар, журналистлар ва бошқа ташриф буюрувчиларга компания маҳсулотлари ЛебенКром, ЛебенГласс, ЛебенБоард, ЛебенБауф, ЛебенДоорс ва ЛебенСтоне савдо белгилари остида ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотларнинг сифати, ишлатишга қулайлиги, чидамлилиги ҳамда бошқа жиҳатлари бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

Шу куни мазкур компаниянинг кўргазмали савдо дўкони ҳам ўз фаолиятини бошлади.

**Абдували СОДИҚОВ**

# НУРОНИЙЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*




Жорий йилда республика бўйича жами 873 нафар кекса авлод вакили "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Шундан 182 нафари қишлоқ хўжалиги, 59 нафари иқтисодиёт, 102 нафари ишлаб чиқариш, 49 нафари маданият, спорт, 247 нафари фан, 78 нафари жамоат ташкилотларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган нуронийлардир. Шунингдек, ушбу кўкрак нишони билан ишламайдиган, жамиятда мустаҳкам оилани сақлаб қолган, фарзандларини катталарга ва кичик авлодга ҳурмат, жамият олдида масъулият, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ҳурмат қозонган оналар ҳам тақдирланди.

– Президентимизнинг биз нуронийларга жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб, дуою насиҳатларимизни олишни ўзининг эзгу мақсади деб билиши барчамизни беҳад хурсанд қилмоқда, – дейди фронт орти меҳнат фахрийси, I даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони соҳиби Хумоюддин Шарофиддинов. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳам бизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг намунасидир. Биз бунга жавобан Юртбошимизнинг мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бахти ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бу ишларнинг мазмун-моҳиятини ёшларнинг онги ва қалбига сингдиришни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Тантанали маросимда I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" нишонлари ўз эгаларига топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Қ.Акмалов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

# ХОРИЖДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗ ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

***Миллий матбуот марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан банд бўлмаган аҳоли ва ёшларни иш билан таъминлаш, хорижга ишга юбориш тизимини такомиллаштириш ва ўзга давлатларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Унда тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, янги иш ўринларини яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, халқаро муносабатлар ва ташқи меҳнат миграция масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлариги вазирлигининг Бандлик бошқармаси сектор бошлиғи Н.Сулаймонованинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида туман, шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг 54 минга яқини доимий иш билан таъминланган, 62,6 минг нафар ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

Иш қидираётган фуқароларга енгилликлар яратиш, уларни тезроқ иш топишига кўмаклашиш мақсадида 300 га яқин бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Ярмаркаларда 10 минг нафардан зиёд фуқаролар доимий ишга эга бўлдилар.

Анжуманда ташқи меҳнат миграцияси борасида халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия, Польша, Жанубий Корея ва Япония давлатлари билан ташқи меҳнат миграцияси соҳасида фаол ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Шунингдек, Қозоғистон, Туркия, Омон Султонлиги, Бирлашган Араб Амирликлари каби бир қатор мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, агентлик томонидан хорижда ишлаш истагини билдирган фуқаролар учун юртимизда зарур шарт-шароитлар яратилиб, бир қанча имтиёзлар ҳам берилмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси чипталарига 20 фоизгача чегирмалар, чипталарни харид қилиш харажатларини қисман қоплаш учун бир йилда бир маротаба 300 минг сўм миқдорда беғараз тўлов амалга оширилади. Шунингдек, меҳнат мигрантлари транспорт ва бошқа харажатлар учун "Ипотека-банк" орқали 1000 АҚШ долларигача бўлган кредит олишлари мумкин.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Умр оқар дарё. Гўё кўз очиб юмгунча ғизиллаб ўтиб кетганини сезмай қоласиз. Инсонга фақат бир марта бериладиган бу улуғ неъматни ким қандай ўтказади, ким қадрига етиб унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланади, кимдир бу ғанимат кунларни азизу мукаррам билиб, мана шу уммон ичида тўлиб-тошиб умргузаронлик қилади.***

Пиру бадавлатларимиз

# УМР МАЗМУНИ МЕҲНАТУ ЗАҲМАТДА



Бугун биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган инсон – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуджон Комилжоновни ҳам азму шижоатли, ҳаёт синовларидан дадил одимлаб, ўзига ҳам, ён-атрофидаги одамларга ҳам қувончу шодлик улашган, хотиржамлик, кенг феъллик ва сабру матонатни ўргата олган инсонлар сирасига қўшсак муболаға қилмаган бўламиз.

Деҳқон оиласида, кенжатой фарзанд сифатида дунёга келган Маҳмуджон мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, ҳарбий хизматда тобланиб, Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кирганида бир олам орзу-ниятларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Унинг иқтидори, адабиётга, санъатга бўлган меҳри талабалик вақтида янада бўй кўрсатди. 2-курсда ўқиётган вақтида "Ёшлик ғурури" пьесаси "Ёшлар" театрида қўйилиб, ўқиб, билимини янада ошириш, изланиш ва меҳнат қилишга туртки бўлди. Ўқишни муваффақиятли тугаллаб, йўлланма билан Ўш вилояти газетасида тўрт йил ишлаб, жонажон шаҳрига қайтади ва ўзи учун севимли бўлган "Тошкент оқшоми" газетасида меҳнат фаолиятини бошлади. Ва 40 йилдан ортиқ вақт ушбу даргоҳда меҳнат қилиб, масъул котиб, бўлим мудири, бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган йўлни жамоадошлари билан аҳил, иноқликда, касбига бўлган фидойилик билан босиб ўтди.

Маҳмуджон ака газетага ишга келган ёшларнинг ҳақиқий мураббийси бўлди, долзарб мавзудаги очерклар, публицистик, одоб-ахлоқ мавзусидаги ҳикоя, қисса, мақолалари билан газетхонлар меҳрини қозонди.

– "Оқшом"да ўтган умрим сермазмун бўлди, – дейди қаҳрамонимиз. – "Донолар бисотидан" тўплами, "Сени излаб, қайдан топарман", "Мен сизни севардим", "Яхшидан боғ қолади", "Санъатим — саодатим" ҳамда "Оқшом"нинг ўтган кунлари" номли китобларим дунё юзини кўрди. "Сиртмоқ", "Қўшни қизга уйланаман", "Ер қадри", "Оққуш" каби ўндан ортиқ пьесаларим пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилиб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. "Оқшом"да орттирган қадрдон дўстларим: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов (охирати обод бўлсин), Раҳматилла Файзуллаев, Солиҳ Ёқубов, Темур Убайдулло, Сирожиддин Сайид, эҳ-ҳе, санайверсам адоғи йўқ. Ўтганларни ҳамиша хотирлаган ҳолда ҳозиргача улар билан борди-келди қиламиз, ёшликнинг қайтарилмас онлари, "Оқшом"да ўтган ҳангомаларни эслаб, ширин суҳбат қурамиз, ҳар бир кунимизга шукроналар келтирамиз. Охирги пайтда "Театр" журналида ҳам ишладим, ижод қилдим, қаламим янада чархланди, қатор пьеса ва эсселарим дунё юзини кўрди. Айни кунларда эса нафақадаман, ижоддан ҳам тўхтаганим йўқ. Мендан кўпинча ёшингизга нисбатан анча ёш кўринасиз деб сўрашади. Ҳамиша аёли назоратида юрган эркак қаримайди, деб кулиб қўяман. Аслида мени ўзим белгилаб олган кун тартибим бор. Шунга қатъий риоя қиламан. Эрталаб жуда барвақт тураман. Куним бадантарбия қилишдан бошланиб, иш столимда ижод қилишдан, китоб ўқиш билан давом этади. Кундалик газеталарни бирма-бир варақлаб, янгиликлар билан танишаман. Набираларим даврасида яйраб, эртагу мақолларни айтиб, уларнинг беғубор кулгусидан гўёки ёшараман.

Ҳа, ҳар бир инсоннинг умр дафтари бўлади. Агар ҳар биримиз ҳаётимиз баёнини ёзиб қолдирсак эди, келажак авлодга катта, ибратли сабоқ бўлар эди. Биз ушбу фикрларга Маҳмуджон Комилжоновнинг яқиндагина чоп этилган "Умрим дафтари" автобиографик хотира-эссе китобини ўқиб, яна бир бора амин бўлдик. Чунки, хотира, ўтган йилларни эслаш, ёзиш кишини ҳар жиҳатдан аввало мамнун этади, ўйлатади, қилган эзгу амалларидан фахрланса, йўл қўйган хатоларидан хулоса қилиб, уни тузатишга ҳаракат қилади.

Биз Маҳмуджон ака билан суҳбатимиз чоғида, ўзлари табаррук саксон ёшни қаршилаш арафасида турган бўлсалар-да оталари Орифжон Комилжон ўғлини ёд этиб, китобга, адабиётга меҳр туғилишига сабабчи бўлганликлари, оналари Каромат Зокир қизининг фарзандларига нисбатан меҳри, оилага бўлган садоқати ҳақидаги ширин хотираларидан завқ олдик ва бундан ўзимизга хулоса чиқардик.

Дарвоқе, Маҳмуджон аканинг оилалари, фарзанду аржумандлари ҳақида ҳам бир оғиз тўхталиб ўтмасак бўлмас. Уларнинг турмуш ўртоқлари, энг яқин дўст, ҳамкор-ҳамфикр, меҳрибон рафиқалари Турсуной ая, қизлари Гулноза ва Шаҳноза, куёв ўғиллар Бахтиёр ва Жамолиддин, Беҳзод, Жаҳонгир каби қатор зукко набиралар уларнинг бахти, қувончи, умр мазмуни. Фарзандлар олий маълумотли, бири ташкилотда раҳбар, бири яхши ходим, яна бири севимли касби фидойиси. Ота-оналарини севиб-ардоқлашади, меҳрибон ва ғамхўр, жонфидо бўлиб кутишади, асраб-авайлашади.

Бутун умр мобайнида топганларинг-тутганларинг шунда эмасми, ҳаётингнинг мазмун-моҳияти, бахти-тахти шунда акс этмаганми? Ёшликда югурасан, еласан, меҳнат, машаққатдан чарчамайсан, кексаликка етганда эса мана шуларнинг роҳат-фароғатини кўргинг келади, ҳаёт синовларини босиб ўтган бу нозик кўнгил меҳр-муҳаббат, ширин сўзни тусаб қолади. Шу маънода турмушнинг муштларини, ҳаёт қийинчиликларини биргаликда енгиб ўтган пиру бадавлат, қўша қариган, фарзанду набиралар ардоғидаги бу жуфтликка ҳавас қилдик, илоҳим бахту-тахтингизга кўз тегмасин дея ният билдирдик.

– Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади, – дейди суҳбатдошимиз. — Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, бугунги кунда юз бераётган катта-катта ўзгариш, янгиланишлардан юрагинг фахр-ифтихорга тўлади. Маҳаллаларимизнинг ободлиги, юртимизнинг гуллаб-яшнашида ўз меҳнатларини аямаётган фидойи инсонлар ҳақида ёзгинг, уларни фахр билан кўрсатгинг келади. "Маҳаллам – олтин бешигим", "Шўртепа воқеаси" ва "Умрим дафтари" китобларим мана шу хайрли мақсаднинг ҳосиласи. Президентимиз томонидан биз каби кексаларга, нуроний отахону онахонларга кўрсатилаётган эътибору эҳтиром, иззату икромдан дилларимиз нурафшон, кўнгилларимиз тоғдай кўтарилмоқда. Илоҳим юртимиз тинчлиги-тотувлиги, ободлик ва орасталик, чиройли турмушимизга кўз тегмасин, деб ҳамиша дуодамиз.

Бутун умри давомида инсонларга яхшиликни соғиниб яшаган ва ҳали ҳам қаламини қўлидан қўймай, бугунги кун шукронасини мадҳ этаётган заҳматкаш инсон — Маҳмуджон Комилжоновга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, яна узоқ йиллар фарзанду набиралар камолини, бахтини кўриб юришларини тилаб қоламиз.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

***Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда тахминан бир миллиард ногирон бор. Уларнинг аксарияти кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келади. Мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок эта олмайди...***

# "НОГИРОН" ТУШУНЧАСИ МУОМАЛАДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Мамлакатимизда эса ногиронларнинг ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилган. 1991 йилда МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани бунга бир мисол. Ушбу қонун 2008 йилда янги таҳрирда қабул қилинди. Бугунги кунга келиб, афсуски, қонун маънан эскирди ва БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро талаблар ва стандартларга жавоб бермай қолди.

Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Яъни, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ҳамда даражасини оширишга кенг қамровда ёндашиш асосий мезон қилиб белгиланган. Шунингдек, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик кўриш, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, имконияти чекланган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш самарадорлигини яхшилаш, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ҳамда ишга жойлашишини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш вазифалари қўйилган.

Энг муҳими, бугун одамларда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатни ўзгартириш, улар ҳам сизу биз каби жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини чуқур тушунтириш зарурати бор. Шу маънода, эндиликда "ногирон" тушунчаси муомаладан чиқарилиб, унинг ўрнига "ногиронлиги бўлган шахс" атамаси киритилаётгани қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасига бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди.

Таъкидландики, янги қабул қилинаётган қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. Унда кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш, эҳтиёжманд қатлам вакилларига беғараз ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат ва нодавлат тузилмалар масъулияти, фаоллиги янада ортади.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ногиронлар, Кўзи ожизлар ва Карлар жамиятлари томонидан Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш борасида ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Қарор ва ижро

# ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

***Идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган юридик хизмат ходимлари нафақат ҳужжатларнинг тўғри юритилиши, балки ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан ҳар бир муассасанинг етук юристга эҳтиёжи бор.***

Илгари бу масалага панжа орасидан қаралган бўлса, ҳозир соҳада вазият тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 январдаги "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида юридик хизмат ходимлари Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланмоқда.

Юридик хизматнинг нуфузи оширилгани боис, бу йўналишда ишлашга бўлган қизиқиш ортди. Давлат органлари ва ташкилотлар юридик хизматларида бугунги кунда 5,1 минг штат бирлиги мавжуд бўлиб, шундан 1750 таси янги ташкил этилди.

Юридик хизматларнинг тажрибали кадрлар билан тўлдирилиши ва уларнинг малакасини ошириб бориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг доимий эътиборида. Вазирлик томонидан ташкил этилган навбатдаги амалий семинарга республика миқёсидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмат раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда юридик хизмат соҳасини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига эътибор қаратилди. Эндиликда юридик хизмат сифатини юксалтириш учун ҳар уч йилда ходимлар малакаси оширилади ва аттестациядан ўтказилади.

Бу борада ҳар бир ҳудудда сайёр ўқишлар ташкил этилмоқда. Аввал ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларида хизмат қилаётган юридик хизмат ходимлари Тошкент шаҳрида малакасини оширишган. Эндиликда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчиларидан иборат гуруҳлар томонидан вилоятларда сайёр ўқишлар ташкил этилмоқда. Шу йўл билан давлат органлари ва ташкилотларининг 1 минг 165 нафар юридик хизмат ходими малакаси оширилди. 750 нафари аттестациядан ўтказилди.

Юридик хизмат ходимларини рағбатлантириш мақсадида ҳар чоракда мукофотлаш тизими жорий этилди. Шунга мувофиқ, 750 нафар юридик хизмат ходимига мартаба даражалари берилди. Уларга тегишлича устама ҳақ тўланмоқда.

Семинар давомида намунали хизмат қилаётган юридик хизмат ходимларига навбатдаги мартаба даражалари тантанали тарзда топширилди.

Соҳага ёш ҳуқуқшуносларни жалб қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида Тошкент давлат юридик университети талабалари ҳам ушбу семинарга таклиф этилди.

Йиғилишда юридик хизмат ишини тўлиқ ва самарали ташкил этиш учун ходимнинг иш жойини жиҳозлашга доир минимал талаблар белгилангани қайд этилди. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу талабларга риоя этилиши доимий назоратга олиниб, 1635 нафар юридик хизмат ходимига ишлаш учун етарли шароит яратилмагани аниқланиб, тегишли чора кўрилди. Шундан сўнг камчиликлар бартараф этилди.

Ҳозирги кунда юридик хизматдаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлардан интернет орқали эркин фойдаланиш имконияти яратилди. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларида ишлаётган 4 минг ходимнинг маълумотлар базаси шакллантирилди.

– Юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга зарур методик ёрдам кўрсатиш мақсадида турли қўлланмалар, тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Худоёр Мелиев. – Натижада юристлар қонунийликни таъминлаш, янги чиқаётган норматив ҳужжатларни ижрочиларга ва кенг оммага етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини профессионал тарзда бажариб келмоқда.

Семинарда юридик хизмат ходимлари йўл қўяётган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, идоравий норма ижодкорлиги соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун 2017 йилнинг ноябрь ойидан бугунги кунга қадар вазирлик ва идораларнинг 11 мансабдор шахсига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, материаллар тегишли судларга юборилган. Келгусида бундай чоралардан тегишли хулоса чиқармаган идоралар раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланиши ҳақида огоҳлантирилди.

Юридик хизматга биринчи марта тайинланган ёш кадрлар билан ишлаш ҳам алоҳида эътиборда. Жумладан, 350 нафар ёш ходим адлия органларида стажировкадан ўтказилди.

Танқидий руҳда ўтган семинарда юридик хизматда мавжуд муаммолар муҳокама қилиниши билан бирга, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди. Юридик хизмат фаолиятини янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

**Н.АБДУРАИМОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 28 августдаги 133к-ПО буйруғи ва 2018 йил 11 апрелдаги 05/1040-сонли буюртма хатига асосан аукцион савдоларига Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлинмаси бошқаруви балансидаги қуйидаги давлат кўчмас мулклари такроран қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 57 ва 60-уйлар оралиғида жойлашган тўйхона ва новвойхона биноси. Бошланғич нархи – 689 524 020 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси 19-А ва 19-Б-уйлар оралиғида жойлашган тўйхона ва ёрдамчи бино. Бошланғич нархи – 608 804 767 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 4 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, кейинги савдолар 2018 йилнинг 21 май, 5 ва 20 июнь ҳамда 5 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали, х/р: 22604000204920609001; МФО: 01121; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс: (0-371) 228-80-26, 228-80-27. Лицензия: – RR 0001

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ аукцион савдосига: I. АТ "Халқ банки" Ангрен шаҳар филиалининг 17.04.2018 йилдаги № 09/03-72-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрининг қуйидаги манзилдаги, яъни: 1.3/2 даҳасида жойлашган умумий майдони 30,22 кв.м. бўлган № 03-сонли касса биноси. Бошланғич нархи – 28 473 000 сўм. 2.Хоразм кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган умумий майдони 80,57 кв.м. бўлган № 10-сонли касса биноси. Бошланғич нархи – 68 843 000 сўм. 3.5/1а даҳаси 1-уй манзилида жойлашган умумий майдони 177,14 кв.м. бўлган №030-сонли касса биноси. Бошланғич нархи – 177 613 000 сўм. II.АТ "Халқ банки" Сергели филиалининг 18.04.2018 йилдаги №09/74-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Сергели туманининг қуйидаги манзилдаги, яъни:1.Чоштепа кўчаси, 95-уйда жойлашган умумий майдони 38 кв.м. бўлган №313-сонли касса биноси. Бошланғич нархи – 80 000 000 сўм. 2.Қурувчилар мавзеси, "Хонобод" маҳалласи идораси қошида жойлашган умумий майдони 23 кв.м. бўлган №446-сонли касса биноси.Бошланғич нархи – 69 500 000 сўм. 3. Қўйлиқ 7-мавзеси, Жомий маҳалласи идораси қошида жойлашган умумий майдони 29 кв.м. бўлган №453-сонли касса биноси. Бошланғич нархи – 109 600 000 сўм бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2018 йил 22 май куни соат 11.00.да Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 22 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 6, 21 июнь ва 6 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Юнусобод филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Тел: +998-71-236-25-53.

***Лицензия RR – 0298***

"IMRON EXPORT" МЧЖ (ИНН 207078612) таъсисчиларнинг 18.04.2018 йилдаги йиғилишининг № 1 баённомасига асосан "HARD RED STONE" МЧЖ (ИНН 303002761)га қўшилаётганини маълум қилади.

"IMRON EXPORT" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: +99897 333-77-71.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими томонидан А4 форматдаги қоғоз, канцелярия маҳсулотларини харид қилиш, автомашиналарни ўртача таъмирлаш ва автомашиналарни мукаммал таъмирлаш ҳамда компьютер тўпламларини таъмирлаш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мирobod кўчаси, 19-уй.

Телефон: 256-55-71.

Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Хушбахт кўчаси, 18-уй учун Шарипова Рахима номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Қутқарув хизмати

***Пойтахти азимда фаолият олиб бораётган хизматлар кўп ва хилма-хил. Унда ишлаётган фидойи хизматчилар ҳам бисёр. Қуйида биз Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қутқарув хизмати бошқармаси фаолияти хусусида ҳикоя қилмоқчимиз.***







# ТУНУ КУН ХИЗМАТГА ШАЙМИЗ: 207-10-50

Маълумки, Тошкент шаҳри аҳолисининг Қутқарув хизмати бошқармаси фаолиятига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бормоқда. Буни бошқарма навбатчилик қисмига пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари томонидан тушган ҳар бир мурожаат эътиборга олиниб, зарур ёрдам кўрсатилаётганидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Хабарингиз бор, 2008 йил 4 декабрда қабул қилинган "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан Республика миқёсида, ҳудудий ва объектлар миқёсида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши мумкинлиги таъкидланган. Шунга кўра 2008 йилнинг 12 декабрида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қутқарув хизмати бошқармаси ташкил этилган. Қутқарув хизмати шаҳримиз аҳолиси ичида яхши танилган. Эътиборли жиҳати шундаки, Қутқарув хизматининг 19 йиллик фаолияти таҳлили ҳамда дунё амалиёти охирги йилларда бундай хизматга эҳтиёж ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу боис, қалтис вазиятлар, нохуш ҳолатларда тез ҳаракат қилишга, хавфни ўз вақтида бартараф этишга Қутқарув хизмати куч ва воситаларининг доимий шайлиги муҳим ўрин тутади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда қутқарувчи вазифасига олий, ўрта махсус, умумий ўрта, тиббий текширувдан қутқарувчилик ишига яроқли деб топилган жисмонан бақувват ҳамда касбий-жисмоний тайёргарлиги даражасига ва маънавий-руҳий фазилатларга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

Қутқарув хизмати бошқармаси томонидан бугунги кунга қадар фойдаланиб келинган қисқа 1050 телефон рақамининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг барча вилоят бошқармалари, шу жумладан Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан фойдаланилиши белгилаб қўйилди.

Шу сабабли Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари нохуш ҳолатларга тушиб қолган вазиятларда ҳамда коммунал хизматлардаги авария ҳолатлари ва бошқа зарурий мурожаатлар бўйича Қутқарув хизмати бошқармасининг тезкор навбатчилик қисмига 207-10-50 телефон рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Бошқармада тезкор навбатчилик хизматидан ташқари тезкор қидирув қутқарув гуруҳлари фаолият олиб боради.

Қидирув-қутқарув гуруҳлари суткасига 24 соат, ҳафтада 7 кун фаолият олиб бориб, энг хатарли вазиятларда аниқ ва бирдамлик билан ҳаракатланишга тайёр.

Қутқарувчининг иш куни эрталабки саф кўригидан бошланади, унда ўтган бир суткада қидирув-қутқарув гуруҳлари ва тезкор навбатчилар томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилади, буйруқ ва кўрсатмалар эълон қилинади ҳамда кейинги 24 соатга вазифалар тақсимланади.

Бошқарма фаолиятида тезкор навбатчилик хизматига катта эътибор қаратилади. Бу хизмат фақатгина фуқаролардан мурожаатларини қабул қилибгина қолмасдан, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари ҳаёт маромини таъминловчи (газ, сув, иссиқлик, электр, ёритиш, алоқа, тез тиббий ёрдам ва бошқа) тизимлардаги вазиятни таҳлил қилиб, узилиш ва носозликлар рўй берган пайтда уларни бартараф этишда ёрдам чораларини кўради. Баъзан навбатчи диспетчерлар нохуш ҳолатга тушган фуқароларга руҳий ёрдам кўрсатадилар. Улар билан суҳбат олиб борадилар, қутқарувчилар келгунга қадар зарур маслаҳатларни берадилар. Шу сабаб, тезкор-навбатчи лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, хушмуомала ҳамда чидамли инсонлар қабул қилинадилар. Ўрта ҳисобда бир суткада хизматга 350-450 тагача қўнғироқлар келиб тушади. Тезкор навбатчи бу қўнғироқларни фақат қабул қилибгина қолмай, зарур ҳолларда уларни тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳрининг бошқа авария-тиклаш ва диспетчерлик хизматларига йўллайди ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади.

Фуқаролар томонидан Қутқарув хизмати бошқармасига келиб тушадиган мурожаатларнинг асосий қисми кўп қаватли турар жойлар ва бошқа иморатларнинг темир эшикларини очиб бериш билан боғлиқ. Бундай мурожаатларда қутқарувчилар фақатгина бирор инсон умри ва унинг саломатлигига хавф солувчи ҳолатлар ёки катта талафотларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардагина эшикни очиб берадилар. Мабодо, бирор инсон шунчаки эшик калитини йўқотиб қўйса ва юқорида келтирилган хавф бўлмаса, бу инсон қутқарув хизматини чақириши шарт эмас, сабаби, бунга кетадиган вақтини қутқарувчилар бошқа ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож кишиларга сарфлайдилар. Бу вазифани эса, шахсий турар-жой ширкати чилангари ёки қулфлар бўйича мутахассисларга топширган маъқул.

Қутқарув хизмати бошқармаси – тўлиқ бюджет ташкилоти бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан молиялаштирилади, шу сабабли ходимлар томонидан барча қутқарув ишлари бепул амалга оширилади. Бундай чақирувларга вазиятга қараб 4 тадан 7 тагача қутқарувчилар чиқишади. Зарур ҳолларда эса мавжуд 40 та қутқарувчиларнинг барчаси чиқиши мумкин, бунинг учун бошқарма тасарруфида керакли қутқарув асбоб-ускуналар ва автоуловлар ҳам етарли. Турли байрамлар ва халқ сайиллари пайтида Қутқарув хизмати бошқармаси ходимлари кучайтирилган тартибда фаолият юритади, фуқаролар ўртасида хавфсизлик бўйича тушунтириш ишларини олиб боради, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда шу жумладан, истироҳат боғлари ва сув ҳавзаларида навбатчиликлар ташкил этилади.

Ўтган 2017 йил бошқарма учун жуда самарали йил бўлди.

Бошқарма қутқарувчилари пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига турли нохуш ҳолатга тушиб қолган вазиятларда 1807 маротаба ёрдам кўрсатдилар.

2018 йилнинг 1 чораги давомида бошқарма қутқарувчилари пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига турли нохуш ҳолатга тушиб қолган вазиятларда 407 маротаба беғараз ёрдам кўрсатдилар.

Жумладан, 4 та ҳолатда автомобиль ва бошқа транспорт воситалари автоҳалокатга учраганда уларнинг ҳайдовчи ва йўловчилари автомашина ичидан чиқариб олиниб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди, чуқур жарликлар, сув қудуқларига тушиб кетган ёки баланд жойларда осилиб қолган, оғир жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни олиб чиқиш ҳамда тушириш борасида 2 кишига ёрдам кўрсатилди, битта одамга тананинг бирор аъзоси бирор жисмга кириб қолган ёки тана аъзосига бирор жисм санчилиб кириб қолган нохуш ҳолатлардан қутқариш хизмати кўрсатилди, 79 бор темир эшик қулфланиб, уй ичида қамалиб қолган ёш болалар қутқарилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди, 73 марта темир эшик қулфланиб, уй ичида қамалиб қолган қария ва ногирон инсонларни қутқариш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, 77 ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан бирга жиноятчилар беркиниб олган уйларнинг эшиклари очиб берилди, лифт ичида қамалиб қолган 14 нафар фуқаролар қутқарилиб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди, 53 марта бошқа ҳар хил нохуш ҳолатларда ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, 98 марта темир эшик қулфланиб, уй ичида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин хавфининг олдини олиш бўйича чиқишлар қилинди, ёнғин ва сув тошқини содир бўлиши олдини олиш бўйича бешта чиқишлар уюштирилди, аҳолини ёввойи ҳайвонлар ва илонлардан муҳофаза қилиш бўйича битта чиқиш уюштирилди.

Бундан ташқари 2018 йилнинг 1 чораги давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бўлимлари томонидан бошқармага йўлланган 32 та хабарномаларга асосан бошқарма ходимлари томонидан фуқароларнинг эшиги очиб берилди.

Юқоридаги мисолларда кўрсатилганидек, бошқарма қутқарувчилари томонидан темир эшик қулфланиб, хонадон ичида қамалиб қолган, лифт ишламай ичида қолиб кетган инсонларга, автоҳалокатларга учраган фуқароларни автоуловлардан чиқариб олишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатлари бўйича ва бошқа нохуш ҳолатларга тушиб қолган фуқароларга зарурий ёрдамлар кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда бошқарма ходимлари пойтахтимиз аҳолиси ва ҳудудлари хавфсизлигини, иқтисод объектларининг барқарор ишлашини таъминлашда, турли нохуш вазиятлар, авариялар ва кўнгилсиз ҳодисалар юзага келганда уларни бартараф этишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги, авария-қутқарув, таъмирлаш, тез тиббий ёрдам хизматлари орасида Қутқарув хизмати бошқармаси ўз фаолияти билан ажралиб туради. Бунга сабаб бошқармада бир неча мутахассисликларга эга бўлган, қийин аҳволга тушиб кимга мурожаат этишини билмай қолган фуқароларга зудлик билан керакли ёрдам кўрсата оладиган кўп тоифали қутқарувчилар фаолият олиб борадилар.

Шу тариқа Қутқарув хизмати 19 йил муддат ичида ҳамкорликда барча хизматлар билан ўз фаолиятини олиб борар экан пойтахтнинг тезкор, авария-тиклаш хизматлари орасида ўз ўрни ва обрўсини топди.

Фуқароларга шуни эслатиб ўтмоқчимизки, хонадонлар эшикларини очиш фақатгина, уй эгаси, профилактика инспекторлари, маҳалла қўмитаси раислари, ширкат раҳбари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Қутқарувчилар томонидан эшик очилиши далолатнома асосида, эшик очиш жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг имзоси олинган ҳолда бажарилади. Эшик қулфланиб қолган ҳар бир ҳолатда Қидирув қутқарув гуруҳи бошлиқлари керакли қарор қабул қилиб, қонунчиликка риоя этган ҳолда эшикни очиб берадилар.

Қутқарувчилар жисмонан соғлом, махсус мутахассисликка эга бўлган ходимлардир. Қутқарувчилар билан ишга киришдан олдин тиббий кўрик, тестлар ўтказилади, сўнгра ишга қабул қилинади, бу эса уларни ўз иш фаолиятлари давомида руҳий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтиради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қутқарув хизмати бошқармаси ўзига хос ноёб ташкилотлардан бири ҳисобланиб, қутқарувчилар альпинистик, ғаввослик ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассисликларига эга бўлиб, барча қидирув-қутқарув асбоб-ускуналари билан моҳирлик билан фойдаланишни биладилар. Қутқарувчи ўз шахсий ҳаётини хавф-хатарга қўйган ҳолда қутқарув ишларини олиб боради.

Ҳавонинг иссиқ ва совуқ пайтларида кўп қаватли биноларда альпинистик асбоб-ускуналари билан, телефон ва электр симлари орасида хавфли шароитда қутқарув ишларини олиб бориш жасурлик, жисмоний ва руҳий тайёргарликни талаб этади.

Пойтахт аҳолиси томонидан бошқарма қутқарувчилари номига билдирилган ва йўлланган бир қанча миннатдорчиликлар, ташаккурномалар ушбу хизматнинг зарур ва керакли эканлигини англатади.

Келажакда аҳолининг ушбу хизматга бўлган ишончи ва ҳурмат-эътибори янада ортади деган умиддамиз.

**Эслатиб ўтамиз Қутқарув хизмати бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат этиш учун 207-10-50, 250-56-65, 250-64-18 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.**

## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# ТЎГАРАКЛАР ЯРМАРКАСИ

***Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларни турли тўгаракларга жалб қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

Ҳозир республикамиздаги барча аҳоли гавжум жойларда "Баркамол авлод" болалар марказлари ва ахборот-ресурс марказлари томонидан "Тўгараклар ярмаркаси" ўтказилмоқда.

Вазирликдан олинган маълумотларга кўра, мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, келгусида турли касб эгалари бўлиб етишиши учун янада кўпроқ шароитлар яратишдан иборатдир.

Тадбирда ахборот-ресурс марказлари ҳамда "Баркамол авлод" болалар марказлари бадиий адабиётлар, техник ва бадиий ижодиёт, ўлкашунослик, экология йўналишларидаги тўгараклар фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар билан қатнашмоқда. Қолаверса, тадбир давомида тўгарак раҳбарлари томонидан маҳорат машғулотлари, бадиий асарлардан турли саҳна кўринишлари ва китоблар кўргазмалари ташкил этиляпти.

"Тўгараклар ярмаркаси" жорий йилнинг 30 апрель кунига қадар барча туман (шаҳар)лардаги аҳоли гавжум жойларда бўлиб ўтади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

***Яшнобод политехника касб-ҳунар коллежида Қизил Ярим Ой жамияти Яшнобод туман бўлими томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мактаблараро "Саломатликнинг ёш дўстлари" деб номланган мусобақа ўтказилди.***

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур мусобақада 29 та мактаб санпостлари иштирок этиб, ўзларининг билим ва салоҳиятлари ҳамда ақл-идрокларини намоён этишга киришишди. "Бизнинг қаторимизда ўз ўрнингни топ" шиори остидаги мусобақа аввалида сўзга чиққанлар иштирокчиларга омад тилаган ҳолда мусобақага старт берди.

– Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофазалаш, тиббий маданиятини янада юксалтириш, турли фавқулодда вазиятларда тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинади, – дейди Қизил Ярим Ой жамияти Яшнобод тумани ташкилоти раҳбари Санобар Актабаева. – Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг олган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир. Шу билан бирга ўқувчиларни санитария ва гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, фавқулодда ҳолатларда ўзини тута билиши, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг тарихи ва фаолиятини ёшлар орасида тарғиб этишдир. Ўғил-қизларни ушбу мусобақага тайёрлашда умумтаълим мактабларида санитар постлари ташкил этилиб, махсус дастур асосида ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.

Мусобақа 5 босқичда, ҳар бири ўзига хос тарзда ўтказилди. Шу билан бирга ҳар бир мактабдан 6 тадан деворий рўзномалар танлови ҳам бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан кузатиб борилган иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари муносиб баҳоланиб, ғолибларга Қизил Ярим Ой жамияти туман ташкилоти томонидан эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўринни эгаллаган санитар постлари туман мусобақасига йўлланмани қўлга киритди.

**Зафар НАЗАРОВ**

# ЮК ВАГОНЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

***Ҳар қандай давлатда транспорт тизими, хусусан, темир йўл транспорти муҳим ўрин тутади. Чунки транспорт ҳудудларни ҳудудлар, давлатларни давлатлар билан боғлайди, миллионлаб тонна юк ташилади. Айниқса, темир йўл транспорти энг хавфсиз транспорт тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугун бутун дунёда мазкур транспорт турига бўлган талаб ошиб бормоқда.***

Мамлакатимизда темир йўл транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси Республика темир йўлларида нефть маҳсулотларини кузатиш батальони олтинчи отряди ходимларининг асосий вазифалари Бухоро ҳамда Фарғона вилоятларида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводларидан чиқаётган маҳсулотларни тайинланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш ҳисобланади. Уларнинг темир йўл транспортида ташилиши хавфсизлигини таъминлаб, босқичма-босқич ва узлуксиз қўриқлаб кузатилишини ташкиллаштиришдан иборат.

Транспортда ЖХТБ олтинчи отряди шахсий таркиби томонидан жорий йилнинг 3 ойи давомида 7571 вагон-цистерна белгиланган манзилларига етказиб берилди.

Бошқармамиз аъзолари темир йўл станциялари ходимлари билан ҳамкорликда кузатиш учун қабул қилинадиган вагонларнинг сони, юк тури, унинг йўналишлари, бекатларга келиб-кетиш вақтларини олдиндан аниқлаш каби вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда.

Бундан ташқари, шахсий таркиб ҳуқуқий билими ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш борасида доимий равишда иш олиб борилмоқда.

Мақсад битта — темир йўл транспортида ташилаётган товар-моддий бойликларни тайинланган манзилларига ўз вақтида етказиб беришдир.

**Фарҳод РАСУЛОВ,**
**ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси нефть маҳсулотларини кузатиш батальони командири**

***Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда сотиш, ўтказиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.***

## Қилмиш – қидирмиш

# "ДОЛЛАР" ОПЕРАЦИЯСИ

Яқинда фош этилган жиноят ҳам бевосита валюта қимматликларини ўтказиш билан боғлиқ.

Миробид Мирходиев Фарҳод Худоёров билан (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2017 йилда интернетдаги "Obnal group" ижтимоий тармоғи орқали танишади. Фарҳод Худоёров Миробидга банк пластик картасидаги пул маблағларини фоиз эвазига нақдлаштириб беришни, қора бозор нархида АҚШ долларига алмаштириб беришини айтади.

Маълум бўлишича Нигина Шаҳобова, куёви Баҳодир Дадаев ҳамда унинг таниши Фарҳод Худоёров билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, валюта қимматликларини сотиб олиш, пластик карталардан фоизга пул ечиш ишлари билан шуғулланиб келишган.

Навбатдаги операция 2017 йил сентябрь ойида "Чилонзор савдо маркази" олдида бўлиши келишиб олинди. Н.Шаҳобова, Б.Дадаев, Ф.Худоёров олдиндан келишиб М.Мирходиев олиб келиб берган пластик картасидаги 98 530 865 сўм маблағни нақдлаштириб, 77 млн. 175 минг сўм пул, "қора бозор" нархида ҳар бир АҚШ долларини 8200 сўмдан ҳисоблаб, 2 минг АҚШ долларини ўтказаётган пайтда Бош прокуратура ҳузуридаги Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани Департаменти ходимлари томонидан ушланган.

Шу ўринда савол туғилади, Н.Шаҳобова ҳеч қандай юридик фирма тузмаган бўлса, унинг қўлига терминал қандай тушиб қолди?

Гувоҳ О.Исмоилов дастлабки терговда жараёнида берган кўрсатмасида, у "Safe Tip Business" МЧЖда кассир бўлиб ишлашини, Н.Шаҳобова унинг терминал аппаратини ҳеч бир рухсатсиз олиб кетиб, фойдалангани ҳақида сўзлаб берган.

Судланувчилар Ф.Худоёров, Н.Шаҳ обова ва Б.Дадаевларнинг айби жиноят ишида мавжуд бўлган ашёвий далиллар, кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси, юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ҳамда дастлабки суриштирувда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Суд Ф.Худоёров, Б.Дадаев, Н.Шаҳобоваларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмининг "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

**Элёр АҲМЕДОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими катта суриштирувчиси**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-1229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 435
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9803 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 13.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5